



# Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 30 апрель,  
№36 (1003)

www.mahallagz.uz info@mahallagz.uz

**МЕНИНГ БИЗНЕС ГОЯМ**

## Истиқболли лойиҳага имтиёзли кредит нақд

*Ҳар бир давлатнинг келажаги, аввало, ёшларга эътибори, ғамхўрлиги ва хайрихоҳлиги билан белгиланади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «...халқаро ҳамжамият ва тарраққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаятган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғу, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади».*

**■ Акбар РУСТАМОВ**  
«Mahalla»

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ўшбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг муҳим бўлигини қўллади. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Бужоро вилоятида алоҳида ҳудудий дастур қабул қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Дастурнинг 21-бандида белги-

ланган «Менинг бизнес гоям» танловлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу танловнинг Пешку тумани босқичида Афсона тиббиёт коллежи ўқувчиси, Ромитан туманидаги «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Нафосат Хайруллаева миллий нақшлар асосида патдўзлик ва аппликация маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси билан иштирок этди ҳамда танловнинг вилоят босқичи йўлланмасини кўлга киритди.



Ушбу олинган сурат.

**ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР**

## Борлиққа кўркамлик, юртга гўзаллик

*Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан халқимизга хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш мақсадида ҳашарлар ташкил этилмоқда.*



Ушбу олинган сурат.

**■ Т. НИЗОМОВ**  
«Mahalla»

Шундай хайрия тадбирларидан бири пойтахтимизнинг Олмасор туманида жойлашган Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида бўлиб ўтди.

Эрта тонгдан пансионат ҳовлисига тўпланган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Олмасор тумани бўлими хизматлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари 3,2 гектар майдонни ҳашар йўли билан ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга киришиб кетдилар.

— Ҳашар давомида ҳудудимизда 3,5 минг тулға яқин дарахт оқлашиб, 2 минг тулға гул кўчатлари ўтказилди, — дейди Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати директори Турсунмурод Эшиев. — Бу масканда яшаётган 145 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, яқин кўриб қариялар ҳудуднинг янада

кўркамлашганини кўриб қувондилар. Уларнинг ақсолига ўшбу тадбирда фаол қатнашиб, ҳашарчиларга яқиндан ёрдам беришди.

Ободонлаштириш ишларидан бахридими очиқлиб, пансионат ҳовлисини айланар эканмиз мўъжоз иссиқхонага кўзимиз тушди. Қизиқётганларимизни пайкаган Турсунмурод ака шундай деди:

—Тўрт сотихли иссиқхонада етиштирилаётган кўчатлар фахрийларимизни витаминларга бой озиқ-овқат билан таъминлашда жуда қўл келмоқда. Ҳовлидаги гул кўчатлари ҳам шу иссиқхонада парваришланади.

Кўнгилдан бошланган ободлик, яратилган яшнатилиш иштиёқи она-Ватанга чекиз меҳр ифодасига айланиб, борлиққа кўркамлик, оламга гўзаллик бағишлаганини фахрийларнинг нигоҳларидан ҳам илғош қийин эмас.

Ҳашар доирасида уруш ва меҳнат фахрийларига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви томонидан 20 та радио тарқатилди.

**«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2014»**



## Мусобақаларга ҳозирлик қизғин

*Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган ёшларнинг спортга жалб этилиши уч босқичли тизими тобора такомиллашиб бормоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари эндиликда йигит-қизлар учун чинкакам маҳорат мактабига айланди.*

**■ Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**  
**Илҳомжон РАҲМАТОВ.**

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан тортиб олий ўқув юртлири талабаларигача иштирок этадиган мазкур беллашувларда тажриба орттирган ёшларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида, кўплаб халқаро турнирларда юқори натижаларни кўлга киритмоқдалар.

— Маҳалламиз ёшлари ўртасида спорт

билан мунотазам шуғулланаётганлар кўпчилиги ташкил этади, — дейди Наманган шаҳридаги «Чаманзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Насриддинова. — Масалан, ҳудудимиздаги Наманган шаҳар 2-тиббиёт коллежидан бутун бир мажмуа барпо этилган. У ерда маҳалламиз йигит-қизлари волейбол, баскетбол, стол тенниси тўғралакларидан шуғулланади. Замонавий футбол майдончаси ҳам бор. Албатта, ҳаммамиз шаҳримизда ўтадиган ўзига хос кичик олимпиада мусобақаларини катта қизиқиш билан кузатаймиз. Ҳозир шаҳримиздаги ҳар

бир спорт иншооти атрофида, кўча ва хиёбонларда кенг кўламли тозалов, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Ушбу юмушларда маҳалламиз аҳли ҳам фаол қатнашяпти.

Фуқаролар йиғини раиси бу сафарги «Баркамол авлод» мусобақаларининг Наманган шаҳрида ўтказилишидан барча бирдек мамнун эканлигини, чунки бундай беллашувлар спортни янада омдалаштиришга кўмаклашишни таякидлади. Боз устига, ушбу баҳсларда мамлакатимиз шўхратини халқаро майдонларда янада ошира оладиган истеъдодлар кашф этилади ва улар мураббийлар кўмагида «Тезроқ, баландроқ, кучлироқ!» шiori остида тайёргарлик кўриб, юксак марраларни забт этади.

> [4]

**ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК**

## Манфаатлар мутаносиблигида муҳим мезон

*Бугунги кунда фуқаролар ўртасидаги муносабатлар ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосидаги фаолияти яхши самара бермоқда.*

**■ Саиджасур САИДҚОДИРОВ,**  
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлини маси катта мутахассиси.**

Шу боис сўнги йилларда мамлакатимизда ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Мамлакатимизда демократик ишлорларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида билдирилган гоя ҳамда

тақлифлар асосида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашига киритилди. Ушбу қонун лойиҳаси жорий йилнинг 11 мартда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишида депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, қабул қилинди.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ушбу қонун лойиҳаси 5 боб, 31 моддадан иборат.

> [2]

**ИСТИҚДОЛ БЕРГАН ИМКОН**

## Ҳаётдан мамнун одамнинг турмуши фаровондир

**■ Холбиби САФАРОВА**  
«Mahalla»

**Йўлдаги гурун**

Одатдаги иш кунларининг бирида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қизилтепа тумани бўлини маси раиси Шохир Ҳабибов кўнироқ қилиб:

— Бизда янгиликлар кўп, катта ўзгаришлар бўляпти, қишлоқларимиздаги шароит шаҳардагидан қолишмайди. Бир келиб, ўз кўзингиз билан кўрсангиз, — деди. Мухбир одам янгиликка қизиқмайди, дарҳол Қизилтепага сафарга отландим.

— «Нехё»ни ўйлаб топганинг отасига раҳмат, истаган жойингга «ғиз» этиб етиб борасан, қулай, сира чарчатмайди, — деди йўлга тушарканмиз биз билан ҳамроҳ бўлган бир нуроний отахон.

— Нимасини айтасиз, Ўзбекистоннинг машиналари зўр. Қарийб ўн йил мусофирчиликда юриб, дунёда юртимизга тенг келадиган

мамлакат йўқлигини англаб етдим, — дея гап бошлади 35 ёшлар атрофидаги ҳамроҳимиз. — Шунча йил ишлаб, ҳар ой уйга 500-600 доллар жўнатиб, зўр пул топяман, деб юрган эканман. Лекин кўшнларим ўз юртида, оиласи бағрида яшаб ҳам мендан кам топишмабди. Тадбиркор ҳамсоям икки қаватли уй қурибди, «Сартива»си бор, Наврўз байрамида ўз ҳисобидан маҳаллага ош берди, қишлоғимиздаги мактабнинг аълочи ўқувчилари учун стипендия ажратган эмиш. Яна бир кўшним — фермер, сутни қайта ишлаш заводи очиб, 15 кишини иш билан таъминлаган. Бир маҳалладош оёл каштачилик ҳунари орқасидан чет элларда ташкил этилган кўргазмаларда қатнашибди, ҳовли-жойини кўриб ҳавасингиз келади. Буларни мушоҳада қилиб, юртма-юрт ризқ излаб юганимдан уялдим, ишининг кўзини билган киши ўз юртида кам бўлмастлигига ишондим.

Келган кўним қишлоғимизни та-



нимай қолдим. Янги қурилган мактабу коллеж, тураржойлар бир-биридан шинам, кўркам. Хорижда бир қардош йигит менга: «Сизларнинг Президентингиз одилона сиё-

сат олиб боряпти, халқни қўллаб-қувватляпти, ўрнингда бўлганимда бу ёқларга келиб юрмасдим», деганди. Ҳақ гапни айтган экан.

Ҳамроҳимизнинг гапини ҳамма

маъқулади. Манзилга етиб келганда барчанинг юз-кўзида мамнунлик ва шукроналик зоҳир эди...

> [2]

**ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА**

## Дарахтлар ва гулларга мўл

*Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда. Тошкент вилояти Оҳангарон туманида ҳам бу жараён маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамкорлигида уйларнинг олд қисми ва томларини, кўчалар ва йўлакларни таъмирлаш, болалар спорт майдончаларини қуриш, энергия тежайдиган технологияларни қўллаш орқали ёретиш тармоқларини созлаш, ҳудудларнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ режа асосида олиб боришмоқда.*

**■ Салоҳат МАХСУМОВА**  
«Mahalla»

— Туманимиздаги 57 та фуқаролар йиғини биноларини обод қилиш, тевароғини кўкаламзорлаштиришга эътибор қаратяпмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси бош мутахассиси Дилмурод Омонов. — Хусусан, ободонлаштириш ойлиги бошланганидан буён 11 минг тулдан зиёд манзарали, 9 минг уч юз тулдан ортиқ мевали дарахт ҳамда тўрт мингга яқин гул кўчатлари экилди. Шунингдек, 13400 тадан ошиқ дарахтга шакл берилиб оқланди. Ойликнинг режа асосида ўтишини таъминлаш мақсадида алоҳида гуруҳлар тўзилди. Ҳудуддаги ободонлаштириш, сўғориш ишшоотларини таъмирлаш, марказий майдонлардан фойдаланиш билан боғлиқ юмушлар тартибли тарзда бажаришмоқда. Бунда тумандаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари фаол иштирок этмоқда.

Туманининг «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилган ишлар таҳсинга лойиқ. Фуқаролар йиғини ҳудудига 975 тул манзарали, 960 тул мевали дарахт ҳамда 875 тул гул кўчатлари экилиб, 1240 тул дарахтга шакл берилди.

Фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш шохобчалари атрофлари ҳам кўкаламзорлаштирилди. Хусусан, фуқаролар йиғинининг Қ.Холмухаммедов кўчасида жойлашган «Махнунтол» тўйхонаси атрофида алвон гул кўчатлари экилди.

Ободонлаштириш ойлиги давомида ҳудуддаги 1,35 км. узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 3,7 тонна чиқиндилар ташиб чиқарилди.

Оҳангароннинг ҳар бир ҳудудида бирдамликда амалга оширилаётган ободонлаштириш ойлиги доирасидаги ишлар маҳаллалар чиройига чирой қўшаётди.



МАСЛАХАТЧИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ТАШАББУС

Ибрat бўлган одамнинг тадбири таъсирчандир

Бугунги кунда фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг алоҳида ўрни бор.

С. ХОЛМУРОДОВ, Ф. КОМРОН.

Замира Ашурова Иштихон туманидаги «Дамарик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланган бу борадаги ишлар жонланди. Илгари ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктининг хотин-қизлар маслаҳатхонасида узок йиллар меҳнат қилгани унинг маҳалла аёллари билан тез тил топишиб кетишида, айрим оилаларда юзага келган муаммоларининг негизини теран ҳис этиб, уларга ечим топишда асосдир.

Низоли оила, кўчи-қўшини яраштириб қўйишдан ёхуд қимгадир маслаҳат беришдан олдин ўша инсоннинг ўзи элида ҳурматга сазовор, ҳор томонлама ибрatга лойиқ бўлмоғи лозим. Айниқса, маслаҳатчи билими, дунёқароши ва талабчанлиги, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги билан йиғин аъзоларига ўрнат қўйиши шарт. Шундангина унинг гапи ўз таъсирини кўрсатади. Замира опа беш нафар фарзандини ўқитиб, уйли-жойли қилган, оиласи кўпчиликка ўрнат.

Касби нуқтаи назаридан ҳам хонадонини, кўча-кўйини ҳамма саранжом-сарийша сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, озодаликни қадрлаш З.Ашурованинг ҳаёт аъмолига айланган. Шу боис у бошқаларни ҳам шунга ундайди, эзгу савий-ҳаракатларни ўзгалардан ҳам талаб қилади. Маслаҳатчи атроф-муҳит тозалигини сақлаш, оилалар мустаҳкамчилигини таъминлаш, хонадон аъзолари ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш мақсадида «Энг тоза ҳовли», «Энг яхши келин», «Энг намунали оила» сингари кўрик-танловларини ўтказишда бош бўлаётди.

Худуддаги фаол аёлларнинг бошини қовуштириб, улар кўмагида хайрли тадбирлар ташкил этмоқда. Жумладан, ўтган йил «Муқаддас она» мавзусидаги тадбирида 110 нафар хотин-қизга совғасалом улашилган бўлса, жонал босқичида беллашди.

СПОРТ

Урганчда «ақл жанги»

Урганч шаҳрида «Камолот» шахмат тахтаси VII анъанавий республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Мухбиримиз.

5 ёш тоифасидаги ўғил ва қизлар ўртасида ўтказилган турнирда бу йил 450 минг нафардан зиёд ёш қатнашди. Саралаш босқичларида мубаффақиятли иштирок этган 1 минг 900 нафардан зиёд ҳаваскор шахматчининг 140 нафари турнирнинг финал босқичида беллашди.



Уғил болалар ўртасидаги баҳсларда Тошкент вилоятидан О.Раҳматуллоев, фарғоналик Ж.Ҳақимов ва А.Собиоров, навойиллик А.Эшпўлатов ва қорақалпоқistonлик З.Каримбоев ўз ёш тоифасида голибликни қўлга киритди. Қизлар ўртасида хорозмлик С.Бахтиёрова, Тошкент шаҳридан С.Қиличева, қашқадарёлик Х.Номозова, навойиллик М.Ўқтамова, жиззахлик И.Жафарова ўз ёш тоифаларига кўра биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа голиблари ва фаол иштирокчилари ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мафтункор, мусиқий, чиройли фавворалар



Кунлар исий бошлаши билан кеч бўлди дегунча барчамиз пойтахтимиздаги фавворалар рақиси томошасига овланамиз. Қувлашмачоқ ўйнаётган томчилар хиромини қузатганимизда ўзгача гўзалликнинг гувҳо бўламиз. Дунёда гўзал шаҳарлар, мусиқий фавворалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси Тошкентдагидек осойишта, файзли, жозибали бўлмаса керак.

Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Жорий йилнинг 23 апрель куни Ва- зирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, 1 май пойтахтимизда

«Фавворалар сайли» куни деб эълон қилинди. Сайил Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЕИҲ ва Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан ташкил этилмоқда. Сайил давомида Тошкент шаҳрида-

«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2014»

Мусобақаларга ҳозирлик қизғин

< 1 ]

Дарҳақиқат, айни пайтда Намангандаги қайси бир йирик спорт иншоотида борсангиз, борасида «Баркамол авлод — 2014» мусобақаларига пухта ҳозирлик кўриляётганига гувҳо бўласиз. Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросими ўтадиган «Навбахор» стадионида қайта қўриш ишлари якунига ет-



туналар билан жиҳозланмоқда. Янги видео-табло ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари стадионга кўркамлик бағишлаш билан бирга замонавий тус беради.

«Баркамол авлод» мусобақалари ўтадиган ўн иккита спорт иншоотида ҳам кенг миқёсда таъмирлаш, қайта қўриш ишлари олиб борилмоқда. Жами 25 миллиард сўмдан зиёд қўриш-монтаж ишларини бажариш кўзда тутилган. Жумладан, «Дўстлик» теннис корти, «Паҳлавон», «Баркамол авлод» можмуалари ва бошқа қатор ўқув юрларининг спорт иншоотлари ҳам янгича қиёфа касб этаётди.

«Баркамол авлод — 2014» мусобақаларида қатнашиш учун икки минг нафардан зиёд киши Наманганга таширф буюради. Дастурдан эса ўн илти спорт тури бўйича беллашувлар ўрин олган. Мусобақа қатнашчилари учун кенг миқ-

ги хар бир фаввора олдида, айниқса, мусиқали фавворалар ёнида маданий тадбирлар, санъаткорлар, ёзувчи ва шoirлар, кино ва театр актёрларининг ёшлар билан учрашувларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шарқ гавҳари — Тошкент шаҳри нафақат миллий ва замонавий архитектура анъаналари уйғунлигида кад ростлаган кўркам бинолари, улкан иншоотлари, қадимий обидалари, балки бетакрор фавворалари билан ҳам сўлим ва файзли. Замонавий муҳандислик технологиялари асосида барпо этилган, шахримиз кўркига кўрк бағишлаб турган фавворалар қайфиятимизни кўтариб, бахридимилимизни оцади. Шунингдек, улар ҳавонинг мўтадиллигини сақлашда ҳам бекиёс омилдир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри олдидаги мусиқали фаввора мафтункорлиги ва ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Қалбаги мудроқ хилларни уйғутувчи мусиқаларга ҳамоханг ҳаракотланиб, камалак рангида ажиб манзара касб этиб турган фаввора кишини бефарқ қолдирмайди. Ушбу баҳаво, гўзал маскан ҳамма дам олувчилар билан гавжум.

Яқинда пойтахтимизнинг Бобур кўчасига янги чироқли фаввора ўрнатилди. Ҳозирча фавворанинг фақат чироқлари ёниб ўйнайди. Кундузи ўзининг салқинлиги, тунда эса ранг-баранг товланиши билан кишига хуш қайғийта улашади.

Мустақиллик майдони ва бошқа жойларга ўрнатилган мусиқий ва чироқли фавворалар нафақат шаҳарликларга, балки хорижий сайёҳларга ҳам манзур бўлмоқда.

Тошкент кундузи қанчалик гўзал бўлса, тунда ҳам шунчалар тароватли. Айниқса, фаввораларни томоша қилиб, одамларнинг юз-кўзидоги қувонч, шодомонлик, ҳаётдан масрурлик ҳиссини туйиш нақадар тотли.



Шифохона ўққа тутилди

Марказий Африка Республикасидаги «Чегарасиз шифокорлар» шифохонасига уюштирилган ҳужум оқибатида 20 нафардан зиёд киши нобуд бўлди.



Фожиа пойтахт Банги шаҳридан 450 км. шимолдаги Нанга Боғула қишлоғида юз берган. Қурбонлар орасида уч нафар шифокор ҳамда 15 нафар маҳаллий жамоалар етакчилари бор. Ҳужумни ҳеч бир гурӯҳ ўз зиммасига олмаган. Мамлакатда «Селек» мусулмон ташкилоти жангарилари ҳамда «Анти-балака» христиан-исёнчилари ўртасида қуролли тўқнашувлар тез-тез содир бўлиб туради. Ўтган йил охирида кузатишган ана шундай низо оқибатида минг нафардан зиёд киши ҳаётдан қўз юмиб, миллион нафарга яқин одам кўчишга мажбур бўлганди.

Қуюн исқанжасида

АҚШ жанубида юз берган қуюн 21 нафар кишини ҳаётдан олиб кетди.



Атиги минг кишига яқин Аҳолиси бўлган Куапо шаҳарчасидаги кўплаб биноларга жиддий зарар етган. Канзас ҳамда Арканзас штатларида ҳам табиий офат етказган зарар қўлами оникланмоқда. Шунингдек, қуюн Миссури, Миссисипи, Небраска, Айова, Оклахома, Техас, Шимолӣ Каролина ва Луизиана штатларига ҳам қутку солган.

АЭС қурилиши тўхтатилди

Тайванда янги атом электр станцияси қурилишини вақтинча тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Янги Тайбэдаги АЭС қурилишининг тўқсон фоиздан

зиёд иши ниҳоясига етганди. Бироқ 2011 йилда Япониянинг «Фукусима дай-ити» станциясидаги ҳалокат Тайван аҳолиси ўртасида хавотирларни кучайтириб юборган.

Расмийлар АЭС қурилиши бўйича референдум ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиб, қурилишни номалъум муддатга қолдиришган. Референдум санаси маълум қилинмаган.

Сўнгги мактуб сотилди

Англияда ўтган кимовди савдоларида муз қояга урилиб чўккан улкан «Титаник» кемасида ёзилган энг сўнгги мактуб 119 минг фунт(қарийб 200 минг АҚШ доллари)га сотилди.

Эстер Харт ва унинг 7 ёшли қизи Ева томонидан ҳалокатдан 8 соат олдин онасига ёзилган мактуб эри Бенжаминнинг пальтоси чўнтағидан топилиган. Уларнинг бари 1500 нафар йўловчи ва экипаж аъзоларига қўшилиб ҳалок бўлишган. Ташкилотчиларнинг фикрича, бу хат турдошлари орасида қиммат нархга баҳолангани билан ажралиб туради.

Интернет материаллари асосида Ф. КОМРОН тайёрлади.

КўРИК-ТАНЛОВ

Энг намунали, энг муносиблар баҳси

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

С. МАХСУМОВА «Mahalla»

Бу йилги кўрик-танлов Вазирилар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 22 февралдаги 37-сонли бевони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастурнинг 32-банди ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоати фонди Чилонзор тумани бўлинимаси, Хотин-қизлар кўмитаси, Маъна-

вият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар босқармаси, тиббиёт бирлашмаси, маданият ва спорт бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Танловда маҳаллалардан 1-ўринга сазовор бўлган «Катта Хирмонтепа», «Дўстлик», «Олмасор», «1-Қатортол», «Катта Дўмбиробод» ва «Меҳрхон» маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов иштирокчилари оилалар тинчлиги, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий кадриятларни кенг тарғиб қилиш, «Соғлом бола» гоясининг мазмун-моҳияти, фуқаролар йиғинлари ҳудудида аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятда маҳалла институтининг нуфузини янада ошириш бўйича ўзаро таъриба алмашдилар.

Танлов сўнггида барча шартлардан мубаффақиятли ўтган «Катта Хирмонтепа» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шарофат Абдиева биринчи, «Дўстлик» маҳалласи вақиласи иккинчи ҳамда «Олмасор» вақиласи учинчи ўринга лойиқ топилди. Биринчи ўрин соҳибаси Шарофат Абдиева навбатдаги босқичга йўлланмани қўлга киритди.

Танлов иштирокчилари ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодийёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2030-7033
Нашр кўрсаткичи: 148
25035 нусхада чоп этилди. Буюртма J-9770

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликлов
Мусаҳҳиф: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00



ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Манфаатлар мутаносиблигида муҳим мезон

**< [1]**

«Ижтимоий шериклик» атамаси қонун лойиҳасида кўйилган ифодаланган: «Ижтимоий шериклик — фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг келишилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўзаро муносабати».

Айни пайтда мамлакатимизда 6 мингдан ортиқ нодавлат ношароит ташкилотлари, 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда.

Ижтимоий шериклик муносабатларида маҳалла институтининг иштироки муҳим аҳамият касб этди. Аввало, маҳаллалар муайян ҳудуддаги барча фуқароларнинг умумий муаммоларини ҳал этиш йўлида бирлаша олиши, ўз фаолиятини муайян ҳудудда бажариши ва ваколатларининг кенг қамровлиги ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда қўл келади. Шу боис барча ташкилотлар фуқаролар йиғинлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилишдан бирдай манфаатдордир.

Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида «Ижтимоий шериклик» атамаси таъминоти сифатида ўз ифодасини топган. Бу маҳаллаларнинг ўз фаолиятида қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг

ИСТИҚДОЛ БЕРГАН ИМКОН

Ҳаётдан мамнун одамнинг турмуши фаровондир

**< [1]**

**Дуо олган йигит**

Ҳалима опа қишлоқнинг олди чевари эди. Унга кийим тиктириш учун туман, ҳатто вилоят марказидан ҳам мижозлар келарди. Буюртмачига берган ваъдасини бажариш учун кечалари ухламай ишлайдиган онанинг тарбиясини олган ўғил тезроқ улғайиб, замонавий тикув машиналарини кўпайтириш, қиз-қовонларни ишга олиб, янги корхона очиб орузи билан яшарди.

Игитнинг орузи ушалди. 2004 йилда Умид Нарзиев тадбиркорлик фаолиятини бошлади: банк кредити эвазига 14 та «Jupita» тикув машинаси сотиб олди ва «Вангози» маҳалласида «Ишчи кийим таъминоти» ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Трико-таж кийим-кечаклар тикилаётган корхонада айни пайтда маҳалланинг 15 нафар хотин-қизи меҳнат билан банд. Қизларнинг 10 нафари коллеж битирувчиси. Корхонада тайёрланаётган болалар либослари ва аёллар халатлари ички бозорда харидордир.

Ҳомашёни Тошкент, Бухоро ва Навоий шаҳридаги текстиль фабрикаларидан сотиб олаётган У.Нарзиев 2009 йили фаолиятини кенгайтириб, «Ҳалима шухрати» корхонасини очди ва мато ишлаб чиқара бошлади. Бу билан яна 15 нафар маҳалладош аёл ўз иш ўрнига эга бўлди. Айни пайтда корхонада бўз ва чит тўқиш билан бирга иш кийимлари ҳам тикилмоқда.

— Россиядан тўқимачилик дастоғи ва 15 та тикув машинаси олиб келдим, — дейди тадбиркор. — Ҳозирда туманимиздаги пахта ниҳоллари қайта ишлаш корхонаси, мой заводи ва ҳарбий қисмларга буюртма асосида кийим-кечаклар этказиб бераймиз. Шунингдек, қўлқолларга ҳам талаб катта. Бир ойда ҳамми 30 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаймиз. Уларни сотиш масаласида муаммо йўқ.

Умид она дуосини олган. Бир пайтлар унинг захматини енгиллатиш учун тикув корхонаси очилганини билган. Волидаси руҳини шод этиш мақсадида «Ҳалима шухрати»ни ташкил этди. Демак, онанинг дуоси фарзандини қўлади.



Бир-бирини қўллагани Яратган ҳам қўллади. Элга суянч, маҳалладошларга таянч бўлаётган азизободлик чорвадорларнинг ишидаги кут шундан.

Оддий арифметика

Ерни боқсанг, ер сени боқади, деган ҳикматга қизилтепалиқлар азалдан амал қилиб келишади. Жумладан, «Гардиён» маҳалласидаги ҳар икки хонадоннинг биринида иссиқхоначилик йўлга қўйилган. Эшонқул бобо Раҳимов қишлоқда биринчилардан бўлиб иссиқхона ташкил қилган эди.

— Ушунда уч-тўрт киши гурунлашиб ўтириб, иссиқхона ҳақида гап кетди. Астойдил интилган, ҳаракат қилган кам бўлмайди, деб тол хивилорини қайриб, ерга сўқимчи устига пелёнка ёпиб, кафдек жойда помидор, ливия, бақлажон ва булғор қалампирини ниҳолларини етиштирдим, — дея хотирлаётди отахон. — Шу йили бозордан ниҳол сотиб олмадик, орگانни қўшчиларга бердик. Шундан буён ниҳолчилик билан бандимиз. Қархотан қишлоқ помидор, бодринг етиштиришни ўзлаштириб олдик. Ҳозирда 21 тул лимонимиз бор. Утган йили шунинг ўзидан 6 миллион сўм соф даромад олдик.

Дарҳақиқат, ҳовлидаги 20 сотих иссиқхона рўзгорни тўла таъминлаётди. Эшонқул бобонинг ўғил-қизлари, келину кўвёлари ва неваралари ҳам деҳқончиликка астойдил меҳр қўйишган. Алоҳида уй-жой қилиб чиққан ўғиллари ўз томорқасида иссиқхона барпо этиб, яхшигина даромад олишяпти.

— Вилоятимиздаги бозорларга биринчилардан бўлиб ошқоққоткиз берилмади, — дейди ишбилормон бобонинг невараси Фурқатжон. — Коллежни тугатгач, ўзим алоҳида иссиқхона ташкил этдим. Ишимдан кўнглим тўқ, келажакда ер олиб, катта майдонда санотлашган иссиқхона барпо этишни режалаштирганман.

Эшонқул бобонинг ўғли Меҳридиннинг ҳовлисидаги иссиқхона 8 бўлимга ажратилган. Ҳар бўлимда 15 минг данондан ниҳол етиштирилаётганини назоратда тутсақ, ҳадемай оила аъзолари бозорга 120 минг дано кўчат олиб чиқишади. 1 дано ниҳолнинг баҳосига қараб, даро-

ҲОКИМ ҲИСОБОТИ

Очиқ ва ошқоралик тамойилида

Яқинда Қумқўрғон туманидаги «Каттакўл», «Жарқишлоқ», Шерозий ва Улугбек номидаги маҳаллалар ҳамда Арслонбойил, Юқори қакайди, Оқжар қишлоқ фуқаролар йиғинларида жорий йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича туман ҳоқими Жалал Маматкуловнинг ҳисоботи тингланди.

Нигина ШОЕВА «Mahalla»

Тадбирга йиғилганлар Соғлом бола йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар, гадаги вазифалар билан таъинланди. Учрашув давомида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 11-ханда 12-моддаларида назорат тутилган ҳар чоракда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича фаолият олиб бораётган комиссиялар ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилиши белгилаб олинди.

Туман раҳбари Шерозий номли маҳалла аҳолисига берган ҳисоботида фуқаролар йиғинлари ходимларига аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, бандликни тоъминлаш, «Маслаҳат марказлари» фаолиятини қонун талаблари асосида ташкил этиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ишларида алоҳида эътибор қаратиш борасида зарур тавсиялар берди.

Ҳисобот давомида ечимни кутётган масалалар ҳам муҳоказма этилди. Хусусан, «Катта кўл» ва «Чўқирли» маҳалла фаоллари томонидан Дарбанд — Бойсун

— Элбаён автомобиль йўлининг 76-километрида жойлашган «Полвонтош» кўпригини қайта қуриш таклифи ўртага ташланди. Чунки мазкур маҳаллаларни боғлаб турган ушбу кўприк сеп тошқини оқибатида таъмирталаб бўлиб қолган.

— Ҳисоботида маҳалланинг фойдаланилаётган ерларида савдо ва маший ҳизмат кўрсатиш шохбчаларини очиш таклифи киритилди, — дейди «Чўқирли» фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Абдуллаев. — Бу таклифни йиғин аҳли қўллаб-қувватлади. Ҳокимнинг ҳар чоракда фуқароларга ҳисобот бериши йўлга қўйилгани нафақат биз, балки фуқароларимиз учун ҳам айни мудоао бўлди.

Ҳокимнинг йилнинг ҳар чорагида маҳаллаларга ташир қилиб бериб, аҳоли турмуши фаровонлигини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ва режалаштирилган ишлар борасидаги ҳисоботи иштирокчиларнинг юрт тараққиёти йўлидаги сафарборлигини янада оширди.

Туман ҳокимининг Улугбек номидаги маҳаллада берган ҳисоботи нафақат аҳоли, балки Қумқўрғон қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежининг 480 нафар битирувчиси учун ҳам фойдали бўлди. Бунда ёшлар ўзлари тузган бизнес ёғларни режаси билан иштирок этишди.

Тадбирда туман ҳоқими ижтимоий ҳимоя масаласига ҳам эътибор қаратди. Етти нафар кам таъминланган оилага тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун бошланғич сармоя ажратилишига келишиб олинди.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Оиладаги тинч ҳаётнинг ҳикмати кўп

Мен саккиз йилдан бери Яраштириш комиссияси аъзосиман. Ҳар гал комиссияга тааллуқли бирор масалани ўрнар эканмиз, аввало, унинг фаолиятини тартибга солувчи Низомга мурожаат этишга одалтанганмиз.

Абдурашад МАЮСУПОВ, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоли

обдон ўргандик. Низоли оилалардаги вазиятларни барқарорлаштириш бўйича биз — ёши улугларнинг тавсияларимиз асосида махус чора-тадбирлар, панд-насихат, суҳбатлар олиб борилди.

Оила мустақамлигини таъминлаш жамиятда барқарор тинчликни белгилайди. Шу боис низоли оилалардаги вазият юмшагунга қодар биз ҳам хотиржам бўлмаймиз. Бу борада, айниқса, кўча бошқиларининг ёрдами асқотаётди. Улар орқали оилалардаги муҳит назоратга олинди. Нотинч, ёш оилаларга, турмуш қуриш орафасидаги ёшларга комиссия фаоллари масъул этиб белгиланди.

Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бергани бизни қувонтиради. Оилавий ажрин бўйича келиб тушган 12 та оризадан 10 таси ижобий ҳал этилди. Бугун маҳалламиздаги бу оилаларда ҳам тотувлик ҳўкм сурмоқда.

Комиссиямиз йиғинлар ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Фуқаролар йиғини ва кенгашининг қарорларини амалга татбиқ этишда аъзолар доимо бошқоқ. Аҳоли комиссияси зиммасидаги вазифаларни тўла-тўқис бажариш учун ўз билим ва маҳоратини қўйиб, айниқса, инсон ҳўқуқ ва эркинликлари ҳанда оила соҳасидаги ҳўқуқий билимларимизни ошириб бериш ҳам диққат эътиборимизда.



РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Ташаббус ва фидойилик — муваффақиятнинг омили

Фаргона вилоятининг Риштон туманидаги «Чиннигарон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тожиҳон Соҳибова ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда жонкуяр фаоллардан. Ёшлар мураббийи, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сифатида фаолият юритаётган раиса йиғин ҳаёти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

Суҳбатдош Зайнобиддин ЙИГИТАЛИЕВ.

— Депутатлик фаолиятини йиғин раислиги вазифаларига уйлантириб олиб берамиз: сайловчилар, фуқароларнинг ўй-хаёллари, ташвишу қувончлари билан яшайман. 2011 йили маҳалламизга 6,5 километр масофадан табиий газ қувури тортиб келинганди. Бу иш осон келмади, депутатлик ваколатимдан фойдаланиб, айрим ташкилотларнинг эшигини қоқшимга тўғри келди. Ниҳоят, изчил сайё-ҳаракатларимиз тўғрисида маҳалладаги барча хонадон-

ларда зангори олов ёна бошлади. Шундан сўнг маҳалла қошидаги комиссиялар, хусусан, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзолари билан бирга таъминоти йўқотган оилаларга хайрия ёрдами сифатида тарқатилади. Бундан ташқари, бу йил киши совуқ келгани боис маҳалладош 6 та кам таъминланган оилани ёнлиги билан таъминлашда ҳам ижара пулларидан фойдаланилди.

Жорий йилнинг биринчи чораги йиғинимиз учун самарали бўлди. Гап шундаки, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фаргона вилояти бўлими

бошқаруви томонидан ажратилган 4,5 миллион ҳамда ҳудуддаги саҳоватпеша тадбиркорларнинг 37 миллион сўмлик хомийлик ёрдами эвазига йиғин биноси тўла таъмирланди. Шунингдек, Камолот ҳамда Уста Абдулло қўчалари кесилган жойдаги майдон Зокиржон Тўлажонов ва Охунжон Мамажоновга тақсимланди.

Ижарадан олинаётган даромади йиғиннинг моддий-техник базосини янада мустақамлаши билан бирга, ҳудуддаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга хайрия ёрдами сифатида тарқатилади. Бундан ташқари, бу йил киши совуқ келгани боис маҳалладош 6 та кам таъминланган оилани ёнлиги билан таъминлашда ҳам ижара пулларидан фойдаланилди.

Жорий йилнинг биринчи чораги йиғинимиз учун самарали бўлди. Гап шундаки, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фаргона вилояти бўлими

